



Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳга** (қилган қурбонликларингизнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин у зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар» (Ҳаж: 37).

Аллоҳ таоло айтади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқ-қора рангли шохдор икки қўчкорни қурбонлик қилдилар, «Бисмиллаҳ» ва «Аллоҳу акбар» деб, уларнинг бўйнига оёқларини қўйиб туриб, ўз қўллари билан сўйдилар (Имом Муслим ривояти).

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқ-қора рангли шохдор икки қўчкорни қурбонлик қилдилар, «Бисмиллаҳ» ва «Аллоҳу акбар» деб, уларнинг бўйнига оёқларини қўйиб туриб, ўз қўллари билан сўйдилар (Имом Муслим ривояти).»

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким (ийд) намозидан олдин сўйса, фақат ўзи учун сўйган бўлади (яъни, қурбонликка ўтмайди). Ким намоздан кейин сўйса, қурбонлиги тўлиқ бўлиб, мусулмонларнинг суннатини қилган бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳ таоло айтади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқ-қора рангли шохдор икки қўчкорни қурбонлик қилдилар, «Бисмиллаҳ» ва «Аллоҳу акбар» деб, уларнинг бўйнига оёқларини қўйиб туриб, ўз қўллари билан сўйдилар (Имом Муслим ривояти).»



Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сўйсангиз фақат «мусинна» сўйинглар. Агар бу сизларга оғирлик қилса, унда қўйдан «жазаъ»ни сўйинглар» (Ином Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик сўйишни суннат қилганлар. Қурбонлик ийд намозидан кейин сўйилади, у ушбу кундаги энг асосий ибодатлардан саналади. Қурбонлик қилиш учун танланган қўйнинг бир ёшга тўлган бўлиши шарт. Буни араб тилида «жазаъ» дейдилар. Маълумки, қўй 6 ойда бир ёшга тўлади. Қўйдан бошқа эчки, сигир ва туяларга келсак, уларнинг қурбонликка яроқли бўлиши учун «санийя» бўлиши шарт қилинган. «Санийя» мазкур ҳайвонларнинг ёшини белгилайдиган меъёр бўлиб, у эчкининг тўлиқ бир ёшга кириб, иккига қараб кетганидир. Сигирларда икки ёшга тўлиб учга ўтгани, туяда тўлиқ тўрт ёшга кириб бешинчи йилга ўтгани «санийя» бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Сўйсангиз фақат «мусинна» сўйинглар. Агар бу сизларга оғирлик қилса, унда қўйдан «жазаъ» сўйинглар» ҳадисини шарҳ қилган олимлар «мусинна» деганда чорва ҳайвонларнинг «санийя» си тушунилади, дейдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Қурбонликнинг машруълиги;
2. Қурбонлик қилувчи қурбонлигини ўз қўли билан бўғизлаши мустаҳаблиги;
3. Қурбонлик фақат ийд намозидан кейин сўйилади.